



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 10 октябрь, № 210 (7440) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ ЯНГИ ҚИЁФАДА БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.



Давлатимиз раҳбари Олмазор туманида барпо этилаётган "Olmazor business city" ишбилармонлик маркази қурилиш майдонида ташири буюрди.

Туркиянинг "Mesa mesken" компанияси томонидан бунёд этилаётган замонавий ишбилармонлик марказининг умумий қиймати 135 миллион долларни ташкил этади. Қурилиш ишлари жорий йил февраль ойида бошланган бўлиб, бунинг учун 23,5 гектар ер ажратилган.

Лойиҳа 6 та лотга бўлинган бўлиб, биринчи ва иккинчи лотлар савдо ва кўнгилочар масканларни қамраб олган. Уч, тўрт ва бешинчи лотларда 9, 12, 13, 18 ва 30 қаватли тураржойлар қад ростлайди. Олтинчи лотда 300 ўринли мактабгача таълим муассасаси ҳамда 500 ўринли мактаб қурилиши кўзда тутилган.

Янги Олмазор кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли ўртасидаги ҳудудда қурилаётган ушбу мавзедда 2 100 та хонадонли 28 та кўп қаватли уй бунёд этилади. Ушбу тураржойларнинг биринчи қаватида 70 та савдо дўкони жойлашади. Айни пайтда ишбилармонлик марказида қурилиш ишлари жадал олиб борилаётганда.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, коммуникация тармоқлари, йўл инфратузилмаси, яшил ландшафтларнинг жойлашувига эътибор қаратди. Худуднинг

4 гектар қисмида қурилиш ишлари амалга оширилса, 16 гектар майдон кўкчаларни ташкил қилади. Қиқчирик канали бўйидаги қариб 3,5 гектар ҳудудда кўнгилочар масканлар барпо этилади.

Президентимиз хонадонлардаги шароитларни кириб кўрди. Кенг, баҳаво квартираларда барча қулайлик муҳайё этилган. Меҳмонхона, ошхона, катталар ва болалар ётоқхоналарининг жойлашуви, замонавий дизайн эътиборни тортади. Тураржой мажмуасининг афзалликларидан яна бири — хонадонлар яшаш учун тайёр ҳолда сотилади.

Уйларнинг ташқи қисмида базальт иситиш қопламасидан фойдаланилмоқда, ҳар бир хонадонга алоҳида иситиш тизими ўрнатилди. Ишбилармонлик марказини 2021 йил охирида тўлиқ фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Уйлар сонини кўпайтириш, энергияни тежаш орқали тураржойлар нархини арзонлаштириш керак. Бунинг учун қурилиш материаллари, базальт толаси ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириб, ҳар бир ҳудудга етказиб бериш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бунёдкорлик ишларининг бориши, ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Қурилишда маҳаллий материаллардан фойдаланилаётгани, уйлар

ҳам тўлиқ юртимизда ишлаб чиқарилган маиший техника ва мебеллар билан жиҳозланиши таъкидланди.

— Қуриш бу биринчи қадам. Асосийси — малакали эксплуатация. Уйларга, одамларга сифатли хизмат кўрсатиш, муҳандислик ускуналаридан самарали фойдаланиш зарур, — деди давлатимиз раҳбари қурувчи ва мутасаддилар билан суҳбатда.

Шу ерда Олмазор тумани фаоллари билан мулоқот бўлди. Аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, юртимизда рўй бераётган ўзгаришларни тарғиб қилиш ҳақида сўз юритилди.

Ҳар бир ҳудуд шароитига қараб чекка туманларда ҳам сифатли, арзон ва хавфсиз уйлар барпо этиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди.

Президентимиз ўтган йили 29 июнь куни Олмазор тумани аҳолиси билан мулоқот чоғида Тошкент чинни заводини қайта тиклаш зарурлигини таъкидлаган эди. Ўтган қисқа вақтда ушбу ташаббус амалга ошди, замонавий чинни заводи барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонани бориб кўрди.

Бир пайтлар Ўзбекистон чининининг довриги бутун жаҳонга танилган. 1952 йилда қурилган Тошкент чинни заводида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар халқаро кўргазмаларда совринлари ўринларга сазовор бўлган, кўплаб мамлакатларга экспорт қилинган.

Масалан, Ўзбекистон халқ рассоми Ёкуб Қорибоевнинг "Оқ олтин" — халқ тилида пахта гулли чинни номи билан машҳур тўплами Лейпциг шаҳрида, рассом Анвар Нўмоновнинг "Тонг" тўплами Загреб шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда олтин медал билан тақдирланган.

Мустақиллик йилларида Тошкент чинни заводи гоёт ачирнар йил аҳволга келиб қолган. Заводга 98 фоиз хом ашё четдан келтирилган. Бу таннархга таъсир этган. Ишлаб чиқариш замон талаблари асосида ташкил этилмагани, бозор ўрганилмагани, асосийси, маҳсулот таннари қимматлиги боис корхона 2005 йилга келиб фаолиятини бутунлай тўхтатди.

Нафис керамика маҳсулотлари саноат тармоғида уймамасдан амалга оширилган хусусийлаштиришдан сўнг юзага келган оғир аҳвол боис мамлакатимизга чинни буюмлар, асосан, четдан келтирилаётган эди.

Ушбу турдаги маҳсулотларга бўлган талабни қондириш ва маҳаллий чинни саноатини яна тик-

лаш мақсадида бундан бир неча йил аввал Термиз туманида "Сурхон Термиз чинни" МЧЖ ташкил этилди. Бу ерда бугунги кунда эллика яқин турдаги чинни буюмлар ишлаб чиқарилиб, маҳсулотнинг бир қисми қўшни Афғонистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда. Хом ашё Сурхондарё вилоятидаги Жерданак каолин қонидан олинади. У хориждаги каолин хом ашёси билан бемалол рақобатлаша олади.

Тошкент чинни заводи бу борадаги изланишларнинг навбатдагиси бўлди. Аҳамиятлиси, илгариги заводдан фарқи равишда янги корхона 100 фоиз маҳаллий хом ашё асосида ишлайди. Хусусан, гил тупроқли сланец Жерданак қонидан, кварц куми ва дала шпати Самарқанд вилоятидаги Ингичка қонидан, доломит Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод ва Фузор туманларидаги қонлардан келтирилади. Бу маҳсулот таннари анча арзон бўлади, деганидир.

Президентимиз топшириғига мувофиқ, завод фаолиятини қайта тиклаш мақсадида "Алоқабанк" томонидан умумий қиймати 87 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилди. Фойдаланилмаётган объект реконструкция қилиниб ҳамда қўшимча бинолар қурилиб, Хитойнинг "Huanggang Huauao Zhongbo Klink Technology Co. Ltd." компанияси ускуналари ўрнатилди. 300 иш ўрни яратилди.

Шу кунларда ишга туширилган корхонада ошхона идишлари, сувенирлар, биноларнинг ички безакларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Завод уч ярим йилда ўзини оқлайди. Маҳсулот импорт ўрнини тўлдириб, Россия, Украина, Грузия, Озарбайжон ва Марказий Осиё давлатларига экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари янги корхона цехларини кўздан кечириб, маҳсулот тайёрлаш жараёни билан танишди.

— Бу завод Ўзбекистоннинг фахри, — деди Шавкат Мирзиёев. — Илгари мамлакатимизга меҳмон келса ёки юртдошларимиз чет элга бурса, шу завод тўпламларидан совға қилинарди. Энди ушбу янги корхона ундан ҳам қиройли, сифатли ва кадрли маҳсулотлар тайёрлаши керак.

Мутасаддилар билан суҳбатда завод фаолиятини кенгайтириб, кластерга айлантириш, янада кўп хотин-қизлар ва ёшларни ишга жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мабтубот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли институционал ислохотлар доирасида сув ҳўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув ресурсларини бошқариш тамойиллари ва тизимини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилди.

Сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, сув ҳўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалигини ислох қилиш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазкур соҳада бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида сув ҳўжалиги инфратузилмасини янада яхшилашни талаб этмоқда.

Сув ресурсларини бошқариш ва сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, ирригация ва мелиорация лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш, сув ҳўжалигини бошқариш соҳасида бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, шунингдек, ушбу соҳада илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

1. 2022 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги раҳбарияти фаолиятининг қуйидаги устувор йўналишлари ва самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари белгилансин:

а) сув ҳўжалиги вазири қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сув ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, сув ресурсларини бошқариш соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

2020 — 2030 йилларда сув ҳўжалигини ривожлантириш концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш;

2020 йилдан бошлаб сув ҳўжалиги ташкилотларининг сув етказиб бериш бўйича харажатларининг бир қисmini сув истеъмолчилари томонидан қоплаш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш;

сув ҳўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар, қарзлар ва грантлар жалб қилишни кенгайтириш орқали сув ҳўжалиги объектларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш харажатларининг жами ҳажмидаги бюджет маблағлари улушини босқичма-босқич камайитириш;

сув тежовчи сўғориш технологияларини жорий этишда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига фаол қўмаклашиш, замонавий сўғориш тизимларини ишлаб чиқариш қувватларини хусусий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш орқали сув тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда сўғориладиган ерларнинг улушини сўғориладиган ерлар умумий майдонининг камида 10 фоизгача етказиш;

б) вазирнинг биринчи ўринбосари қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сув ҳўжалигини институционал, техник ва технологик ривожлантириш, ушбу соҳада фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш;

сув ҳўжалиги объектларидаги қурилиш-монтаж ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ҳисобига уларнинг таннари кенгайтирилишини таъминлаш;

сув ресурсларини бошқариш соҳасида бозор механизмларини жорий этиш, сув ҳўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклики ривожлантириш орқали фойдаланиш харажатларини камида 15 фоизга қисқартириш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йигирма учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси 2019 йил 11 октябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 10 октябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМА УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛГАН МАСАЛАЛАР



Сенаторлар бир қатор қонунларни кўриб чиқадилар, шу жумладан: "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги, "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги, "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги, "Меценатлик тўғрисида"ги, "Кўп квартираларни уйларни бошқариш тўғрисида"ги, "Мудофаа тўғрисида"ги.

Сенаторлар эшитадилар:

- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг мамлакатда дарак ва буталарни кеснишда қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти;
- Наманган вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини.

Олий Мажлис Сенати Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юборади:

- Ота-оналар қаровисиз қолган ва Меҳрибонлик уйида тарбияланган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувидаги долзарб масалалар юзасидан;
- Табиий газ қувурлари тизими ҳолати ва ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан.

Аввал юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилади:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейларида қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати юзасидан;
- Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш масалалари юзасидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

сув хўжалиги соҳасидаги илмий ва илмий-техник фаолиятнинг жадал ривожлантирилиши таъминлаш, сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳисобига **сув хўжалиги соҳасидаги долзарб йўналишлар бўйича камида 10 та илмий ва инновацион ишланмани амалиётга жорий этиш**;

в) вазиrнинг ўринбосарлари куйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сув хўжалигини инновацион ривожлантириш, илмий ишланмалар натижаларини, сув хўжалигини бошқариш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланишнинг илгор усулларини амалиётга фаол жорий этиш;

замонавий технологияларни қўллаган ҳолда сув хўжалигининг суғориш тизимларини модернизация, реконструкция қилиш ва таъмирлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали **суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициентини ҳар йили республика бўйича ўртача камида 1 фоизга ошириш**;

энергия тежовчи ва энергия самарадор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, насос станциялари иш режимини тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этиш ҳисобига **сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камида 10 фоизга қисқартириш**;

сув-туз балансини юритиш механизмларини такомиллаштириш, ер ости сувларини меъёрда ушлаб туриш, шунингдек, мелиорация ишлари самарадорлигини ошириш орқали **шўрланган ер майдонлари улушини 45 фоизгача камайтириш**;

сув хўжалиги объектларини бошқариш ва улардан фойдаланиш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига **300 та сув хўжалиги иншооти ва гидроузелда сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш**;

сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ролини ошириш, шунингдек, улар фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш орқали **сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини тўддан ривожлантириш**.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларни шакллантириш ва ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни, шу жумладан, хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш орқали **амалга ошириш** учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигини** (кейинги ўринларда — Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги) ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмаси (кейинги ўринларда — “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмаси) негизида **“Ўзсувқурилиш” акциядорлик жамиятини** (кейинги ўринларда — “Ўзсувқурилиш” АЖ) ташкил этиш, шунингдек, 1-иловага мувофиқ “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмаси таркибига кирувчи давлат унитар корхоналарини масъулияти чекланган жамиятларга айлантириш;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилотларининг штатлар сонини 2019 йил 1 ноябрдан **10 фоизга**, 2020 йил 1 январдан қўшимча равишда **10 фоизга**, шу жумладан, бошқарув ходимлари сонини мазкур қарорга мувофиқ **83 бирликка босқичма-босқич мақбуллаштириш** тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

3. Белгилансинки:

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг тақдиминомаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор бошчилик қилади;

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ходимларига Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги

марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

“Ўзсувқурилиш” АЖ “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмасининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар ўзгартирилаётган тегишли давлат унитар корхоналарининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлар устав капитали 1-иловада кўрсатилган ўзгартирилаётган давлат унитар корхоналарининг мол-мулкларини қолдиқ қийматида ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

“Ўзсувқурилиш” АЖ устав капитали қайта ташкил этилаётган “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмасининг мол-мулкларини қолдиқ қийматида, шунингдек, ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятлардаги давлат улушини ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

“Ўзсувқурилиш” АЖ устав капиталидаги акциялар давлат пакети бўйича акциядор функцияларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги амалга оширади;

қайта ташкил этилаётган “Ўзсувқурилиштаъминот” республика бирлашмасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган бошқарув ходимлари штатлар сони Сув хўжалиги вазирлиги тизимида сақланиб қолинади;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг штатлар сонини мазкур қарорга мувофиқ мақбуллаштиришдан бўшайдиган маблағлар Сув хўжалиги вазирлиги идора ва ташкилотлари ходимларининг базавий тариф ставкаларига **2019 йил 1 ноябрдан 1,1 ва 2020 йил 1 январдан 1,2 миқдорда тузатиш коэффицентини қўллаш ҳисобига уларнинг иш ҳақини оширишга йўналтирилади**.

4. Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги бошқарув ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизими бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида **26 бирлик** этиб белгилансин.

5. Куйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирига, зарур ҳолларда, Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар қиритиш ҳуқуқи берилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган **Сув ресурсларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси”** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Масъул вазирик ва идоралар раҳбарларига ушбу кичик бандда назарда тутилган “Йўл харитаси”га киритилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Белгилансинки, **2020 йил 1 январдан:**

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги **насос станциялари ва энергетика бошқармаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ўтказилади**;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларининг **белгиланган лимитдан ортиқча электр энергияси учун тўлов харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади**;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларининг **электр энергияси истеъмоли учун фойдаланилмаган лимитидан тежаб қолинган маблағлар** Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда **насос станциялари**

ва энергетика объектларини техник жиҳатдан ривожлантиришга йўналтирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, шунингдек, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотларининг:

4-иловага мувофиқ ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотлари негизида **Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти** (кейинги ўринларда — Институт) **соҳага оид кафедраларининг ихтисослаштирилган синфларини жойлаштириш**;

илмий ва профессор-ўқитувчилар таркибидан, лойиҳа институтлари вакилларида, шу жумладан, чет эл мутахассисларидан иборат бўлган, шунингдек, сув хўжалигида лойиҳалаштиришнинг замонавий усуллари ва стандартларига амалиётда ўқитиш учун иқтидорли талабаларни жалб қилган ҳолда **Институт ҳузурида ихтисослаштирилган лойиҳа гуруҳини** ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Куйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) Институт соҳага оид кафедраларининг тегишли ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотлари негизида жойлаштирилаётган ихтисослаштирилган синфларида **талабаларнинг амалий ва лаборатория машғулотларини, шунингдек, ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўташи “ишлаб чиқаришда бир кунлик машғулот” тамойили бўйича** амалга оширилади;

б) Институт ҳузуридаги ихтисослаштирилган лойиҳа гуруҳининг асосий вазибалари куйидагилар ҳисобланади: сув хўжалиги ва аҳоли пунктлари сув таъминоти объектлари **қурилиши, реконструкция ва модернизация қилинишини лойиҳалаштириш**;

сув хўжалиги ва сув таъминоти соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишларини ва лойиҳалар амалга оширилишини **илмий-техник жиҳатдан кузатиб бориш**;

сув хўжалиги объектларидан фойдаланишнинг ишончилиги ва хавфсизлигини, шунингдек, сув хўжалиги объектларининг атроф-муҳитга таъсирини **баҳолаш ва уларни ҳисоблаш асосларини ишлаб чиқиш**.

8. **2020 йил 1 январдан:**

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилган ҳолда сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янгидан амалга оширилаётган лойиҳаларга **кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича махсус қомпонент** киритиш;

илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг ҳисоб-китобида лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг **10 фоизгача** миқдорда қўшимча маблағлар қиритиш **амалиётга мажбурий** жорий этилсин.

Белгилансинки:

ушбу банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган маблағларнинг **50 фоизи лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни молиялаштиришга йўналтирилади**, уларга фақат маҳаллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, алоҳида олимлар белгиланган тартибда жалб қилинади;

ушбу банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган маблағларнинг қолган **50 фоизи** Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади**. Бунда мазкур маблағлар фақат сув хўжалиги соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқот ва таъриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш мақсадида республика таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига **грантлар ажратиш учун сарфланади**.

9. **2019 йил 1 ноябрдан бошлаб** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ сув хўжалиги ташкилотлари раҳбарлари **ҳар чоракда тегишли туман халқ депутатлари Кенгашига сув ресурсларини бошқариш**, сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ахшилаш, шунингдек, ушбу туманда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ҳолати тўғрисида **ҳисобот** қиритади.

Вилоятлар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашига халқ депутатлари Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари иш режаларини ишлаб чиқишда ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар **раҳбарларининг сув хўжалиги соҳасидаги ишлар**

ҳолати тўғрисидаги ахборотини бир йилда камида икки марта эшитишни назарда тутиш таъминлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: **бир ой мuddатда сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини ривожлантиришни**, шу жумладан, бошқарув тизимини такомиллаштириш, сув истеъмолчилари уюшмаларининг молиявий барқарорлигини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун йиғимлар тўлиқ тушишини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолчилари уюшмалари жойлашувини ва улар томонидан хизмат кўрсатилаётган ҳудудлар чегараларини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи ҳукумат қарори қабул қилинишини;

икки ой мuddатда 5-иловада кўрсатилган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари, шунингдек, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва шартномалар Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига ўтказилишини;

Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари манзиллига Лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ижрочи агентлик этиб белгиланганлиги тўғрисидаги хабарномалар юборилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги: **бир ой мuddатда** Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги** фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда:

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигини сақлаш **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети** ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари** ҳисобидан амалга оширилиши;

Лойиҳаларни амалга ошириш агентлигига ўтказилаётган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари белгиланган тартибда фаолияти 5-иловада кўрсатилган инвестиция лойиҳалари доирасида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган юридик шахсларга ўзгартирилиши назарда тутилсин;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда:

6-иловага мувофиқ сув хўжалиги объектларини қуриш ва модернизация қилиш бўйича устувор инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин;

кўрсатилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқишига қараб, уларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар қиритиб борсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ Сув хўжалиги вазирлиги тизимининг штатлар сони мақбуллаштирилиши натижасида ишдан бўшатиладиган ходимларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича чоралар кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3672-сон қарорига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Ғуломов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 9 октябрь

ЗАМОНАВИЙ ТОШКЕНТ ЯНГИ ҚИЁФАДА БҲЙ КЎРСАТМОҚДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мамлакатимизда шунча уйлар қурил-япти, одамларнинг ҳаёт сифати ўзгари-япти, — деди Президент. — Янги уйга кўчган ҳар бир оила, албатта, чинни буюмлар сотиб олади. Юбилейлар, фестиваллар-га бағишланган, совға учун тўпلامлар ҳам чиқариш мумкин. Бунинг учун дизайн устида ишлаш, бозор талабини ўрганиб, олимлар ва технологлар билан ҳамкор-ликда замонавий маҳсулотлар тайёрлаш, янги брендлар яратиш керак. Масалан, миллий нақшларимиз, сўзаналаримиз бу борада катта манба бўла олади.

Давлатимиз раҳбари корхона ҳузурида ташкил этилган чинни буюмлар музейини кўздан кечирди. Заводда ишлаган меҳнат фахрийлари билан суҳбатлашди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган саноат ва инвестиция лойиҳалари тақдироти ҳам ўтказилди.

Президент экспортни ривожлантириш, ташқи савдо амалиётларини энгиллаш-тириш мақсадида Тошкент шаҳри учун за-монавий мультимедиа логистика марка-зи ташкил этиш таклифини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев, шунинг-дек, “Tashkent City” халқаро ишбилармон-лик марказининг қуриб битказилган илк объектлари — Конгресс холл ва “Hilton” меҳмонхонасини бориб кўрди.

“Tashkent City” бизнес марказлар, меҳ-монхоналар, офислар, кўп қаватли уйлар, ресторанлар ва бошқа объектларни ўз ичига олган замонавий шаҳарча бўлади.

Президентимиз жорий йил 14 март куни “Tashkent City”да амалга ошири-лаётган қурилиш ишлари таъминани-шган ва Конгресс холлинг асосий зали, ҳар бир хонасини кўздан кечириб, улар-нинг қандай безатилиши, жиҳозланиши, меҳмонлар учун кулай шароит яратили-ши, халқаро саммитлар чоғида кўплаб де-

легациялар қатнашишини инобатга олиб, қўри мартабали меҳмонлар ва иштирок-чиларнинг ҳаракатланиши, икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиши, дам олиши учун кенг имкониятлар яратиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ушбу кўрсатмалар асосида “Tashkent City” ҳудудидаги қурилиш ишлари 7 лот-га бўлинган ҳолда амалга оширилмоқда. Конгресс холл ва “Hilton” меҳмонхонаси бешинчи лотда барпо этилган.

Конгресс холл биноси давлатлараро музокаралар ва учрашувлар ўтказишга мўлжалланган. Бинонинг умумий майдон-ни 43 минг квадрат метр. Биринчи қават-да 3,5 минг нафар иштирокчига мўлжал-ланган катта конференциялар зали, хо-рижий давлатлар раҳбарлари алоҳида ишлаши учун хоналар, музокаралар учун заллар, ресторн, кичик концерт зали, учрашувлар ва дам олиш хоналари мав-жуд. Иккинчи қаватда қўшимча мажлис-

лар хоналари жойлашган. Биринчи қават замонавий дизайнда, иккинчи қават эса классик услубда қурилган. Йўлақлар юртимиз расомларининг энг сара асар-лари билан безатилган. Яна бир эъти-борли томони йўлақларда Тошкентнинг 12 қадимий дарвозаси қалити ўзига хос дизайнда қўйилган.

Давлатимиз раҳбари Конгресс холлинг ҳар бир хона ва залларини кириб кўрди.

Беш юлдузли “Hilton” меҳмонхонасининг умумий майдони 51 минг квадрат метр. 21 қаватли ушбу иншотнинг баландлиги 85,5 метр. 258 та номер мавжуд. Пардоз-лаш ва жиҳозлашда замонавий дизайн ва ёрқин ранглар кенг қўлланилгани кишига хуш ёқади. Барча замонавий меҳмонхона-ларда бўлгани каби бу ерда ҳам бир нечта ресторн, бассейн, спорт зал, спа ва бошқа салонлар бор. Хизматлар тури кўп, сифати юқори даражада.

Шавкат Мирзиёев меҳмонхонада яратилган шароитлар билан танишиди, худуд марказидаги хиёбонни кўздан кечирди.

“Tashkent City”да қурилиш ишлари дав-вом этмоқда. Бу ерда 8, 9, 20, 21, 26, 28, 30, 33, 51 қаватли тураржойлар, меҳмонхона бинолари, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, минглаб маши-налар учун мўлжалланган ер ости автомобиль тураржойлари, болалар боғчаси ва соғломлаштириш маркази барпо этилади.

Нафақат Ўзбекистонда, балки Марка-зий Осиеда янги, замонавий қурилиш технологиялари асосида барпо этилаёт-ган “Tashkent City” кўркамлиги ва муҳ-ташамлиги билан дунёнинг энг гузал шаҳарлари билан бўйлаша олади.

Умар АСРОРОВ, Матназор ЭЛМУРОДОВ, Алоуддин ҒАФФОРОВ, Ўза мухбирлари.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛГАНЛАРГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2019 йил 9 октябрь куни ўтказилган навбатдаги мажлисида депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий ҳақда халқаро ҳаётига доир бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахен протоколига қўшилиши тўғрисида (Монреаль, 2000 йил 29 январь)”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, юртимизда биологик хилма-хиллиكنи сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш экологик соҳадаги сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Боиси табиий экотизимлар ва улардан фойдаланиш, яъни чорвачилик, сугорилмаган дехқончилик, ўрмончилик, балиқчилик, рекреация, туризм ва бошқаларга дахлдор иқтисодиёт тармақлари биохилма-хиллик билан бевосита алоқадор.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 6 майда қўшилган Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг асосий мақсади эса, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, унинг компонентларидан барқарор фойдаланиш ҳамда тегишли технологиялар алмашиши билан боғлиқ фойда олишдир. Мазкур Конвенциянинг биологик хавфсизлик бўйича Картахен протоколи замонавий биотехнология махсулотларининг давлат чегарасидан хавфсиз ҳаракатланиши, кайта ишланиши ва фойдаланилиши учун чоралар тартиби тўғрисидаги халқаро келишув ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар ушбу Протоколга БМТга аъзо 198 та давлатдан 171 таси ҳамда халқаро ташкилот сифатида Европа Иттифоқи қўшилган. Депутатларнинг фикрича, Протоколнинг қабул қилиниши атраф-муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, гени модификацияланган организмлар (ГМО) ва уларни кайта ишлаш махсулотларидан фойдаланиш масалаларини халқаро тартибга солиш учун муҳим қадам

ҳисобланади. Айни пайтда атраф-муҳитта ва инсон саломатлигига эҳтимолй хавфни минималлаштириш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, парламент аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши замонавий биотехнология махсулотларидан фойдаланиш олиб келиши мумкин бўлган хавфни бартараф этишга, маҳаллий махсулотлар экспорт номенклатурасининг кенгайтирилишига кўмаклашишни қайд этдилар.

Шундан сўнг мажлис кун тартибига киритилган “Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ касбий фаолиятини амалга ошираётган тиббиёт ходимларини химоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

